# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 25 ноябрь, № 227 (6410) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

*Узум турли дармондориларга бой неъмат ҳисобланади. Шу боис ундан тайёрланадиган табиий ва шифобахш шарбатларга бутун дунёда талаб юқори.*

### Истиқболли лойиҳа самараси

Шуни ҳисобга олган Китоб туманидаги "Китоб неъмати" масъулияти чекланган жамияти мутасаддилари соатига 15 тонна "сульфо-сусло" — узум суви ишлаб чиқаришга доир истиқболли лойиҳани амалга оширишди. Бунинг учун банкдан ажратилган 300 миллион сўмлик кредит ҳисобига Италиядан илғор технологиялар келтирилиб, ишга туширилди. Натижада қисқа муддатда 1328 тонна узум қайта ишланиб, дастлабки минг тоннадан зиёд маҳсулот тайёрланди. Эътиборлиси, унинг асосий қисмини ташқи бозорга чиқариш кўзда тутилган.

Лойиҳа ташаббускорларининг таъкидлашича, айни пайтда "Китоб неъмати" МЧЖ маҳсулотига турли мамлакатлардан буюртмалар келиб тушаяпти. Хусусан, яқинда қозоғистонлик ҳамкорлар билан "сульфо-сусло" етказиб бериш юзасидан қиймати 308 минг АҚШ долларига тенг шартнома имзоланди. Келгусида бу ерда маҳсулотлар турини кўпайтириш ва рақобатдошлигини ошириш мақсадида уларни турли сиғимдаги идишларга қадоқлаш режалаштирилаяпти.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Унумдорлик ошди

*"Бухоро полиэтилен плюс" масъулияти чекланган жамиятида амалга оширилган модернизациялаш тадбирлари натижасида корхона қуввати қарийб икки баробар ортди.*

Бунинг учун лойиҳа ташаббускорлари банк томонидан ажратилган 180 миллион сўмлик кредит ҳамда жамиятнинг 120 миллион сўм миқдоридаги маблағидан самарали фойдаланди. Шу аснода хориждан иш унуми юқори бўлган технологик ускуналар сотиб олинди. Қолаверса, янги бизнес лойиҳа шарофати билан 10 кишининг бандлиги таъминланди.

Эътиборли жиҳати, Бухоро шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида амалга оширилган бу каби лойиҳаларга жорий йилнинг тўққиз ойида 11,5 миллиард сўм миқдорида банк кредити йўналтирилиб, 1310 та иш ўрни яратилди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Хорижда ҳам харидоргир

*Янгиер шаҳридаги "Омад текс" масъулияти чекланган жамиятига қарашли трикотаж корхонаси фаолият бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамай, бу ерда тайёрланаётган кийим-кечаклар қисқа муддатда ташқи бозорда ўз ўрнини топди.*

Корхона экспорт салоҳиятини юксалтиришда ишлаб чиқаришга илғор технологиялар татбиқ этилаётгани муҳим омил бўлмоқда. Қолаверса, бунда либослар дизайнини такомиллаштириш борасидаги ишлар ҳам эътиборга молик. Яъни жамият мутахассислари томонидан яратилаётган замонавий бичимдаги либослар корхона маҳсулотларига бўлган талаб янада ортишига хизмат қилаяпти.

— Барча зарур хом ашёни маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан олаяпмиз, — дейди МЧЖ директори ўринбосари Камолиддин Муҳиддинов. — Бу эса либослар таннархини пасайтириш имконини бермоқда. Яқин истиқболда кийим-кечакларга ишлатиладиган аксессуарлар тайёрлашни ҳам йўлга қўймоқчимиз.

Таъкидлаш жоизки, корхона томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 355 минг АҚШ долларилик экспорт амалиёти бажарилди.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

**ДАВРА СУҲБАТИ**

Тошкентда "Сайлов тизими ва қонунчилигини демократлаштириш: Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар тажрибаси" мавзуида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди.

## Сайлов тизими ривожининг янги босқичи

Тадбир Марказий сайлов комиссияси томонидан Жаҳон сайлов органлари ассоциацияси, ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Сенати, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Давра суҳбати хорижий мамлакатлар ҳамда Ўзбекистон сайлов қонунчилигини ривожлантириш масалаларини муҳокама қилиш, халқаро ҳамжамиятни Ўзбекистон сайлов тизимини халқаро стандартларга мувофиқ ислоҳ этиш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар билан таништириш мақсадида ўтказилди.

Унда Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси, шунингдек, Франция, Германия, Корея Республикаси, Латвиядан экспертлар, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва ҳудудий сайлов комиссиялари аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Сенати аъзолари, сиёсий партиялар, Ўзбекистон экологик ҳаракати, вазирлик ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, олимлар, сайлов ҳуқуқи соҳаси мутахассислари, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси М. Абдусаломов тадбирни очар экан, мустақиллик йилларида юртимизда сиёсий, давлат ҳамда ҳуқуқий тизим изчиллик билан босқичма-босқич модернизация қилиниши самарасида юксак демократик талабларга мос миллий сайлов тизими яратилганини таъкидлади. Фуқароларнинг шу аснода давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи тўлиқ амалга оширилмоқда. Бунда Асосий Қонунимиз ҳамда қонунларда умумэътироф этилган норма ва принциплар асосида шакллантирилган сайловларни ўтказишнинг демократик принциплари мустаҳкамлаб қўйилгани муҳим аҳамиятга эгадир.

(Давоми 2-бетда).

---

## Саноатчиларимиз «ITMA — 2015» кўргазмасида

*Италиянинг Милан шаҳрида дунёнинг энг йирик ва замонавий тўқимачилик ускуналари халқаро кўргазмаларидан бири — "ITMA — 2015" бўлиб ўтди. Тадбир Халқаро тўқимачилар федерацияси (ITMF) ҳамда Европа тўқимачилик машиналари ва асбоб-ускуналари ишлаб чиқарувчилари уюшмаси (CEMATEX) томонидан ташкил этилди.*

**БИЗ ВА ЖАҲОН**

Тўрт йилда бир маротаба ўтказиладиган мазкур кўргазмага 1951 йилда асос солинган. У 17 бўлимдан иборат.

Ушбу халқаро тадбирга доимий ташриф буюрувчи тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғилланадиган юқори малакали мутахассислар ҳамда менежерлар сони 150 мингдан ошади.

Жорий йили "ITMA — 2015" халқаро кўргазмасида Ўзбекистондан тўқимачилик корхоналарининг 60 нафардан зиёд раҳбар ва мутахассисларидан иборат йирик делегация қатнашди. Тадбир доирасида "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти билан Италия Тўқимачилик асбоб-ускуналари ишлаб чиқарувчилар уюшмаси (ACIMIT) ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги протокол имзоланди. Шунингдек, Ўзбекистон тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи компаниялари ва уларнинг маҳсулотлари тақдимотлари ташкил қилинди.

Маълумки, мамлакатимизда пахта толасини қайта ишлаш ҳажмини ошириш билан бир қаторда, тўқимачилик саноатини янада ривожлантириш ва юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ушбу соҳада ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан ҳисобланади.

Бу борада доимий изланиш олиб бориш ва дунё бозорида муносиб ўрин эгаллаш учун янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, дизайн масаласига алоҳида эътибор қаратиш, энг муҳими, ўз брендимизни яратишга устувор аҳамият қаратилаяпти.

Италия ишбилармон доира вакиллари Ўзбекистонда мазкур соҳада амалга оширилаётган чора-тадбирлардан яхши хабардор. Жорий йилнинг октябрь ойида Тошкентда бўлиб ўтган XI Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси якунларига бағишланган мақолалар Италиядаги қатор нуфузли нашрларда чоп этилди. Уларда мамлакатимизда замонавий технологияларни жалб қилиш орқали пахтани қайта ишловчи корхоналарни модернизациялаш жараёни изчиллик билан давом эттирилаётгани, юқори технологияларга асосланган бир қатор янги корхоналар ишга туширилаётгани алоҳида таъкидланган.

**«Жаҳон» АА.**
Милан

---

**ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА**

## КАМОЛОТ САРИ




Истиқлол туфайли бунёдкорлик, ободончилик ишларига кенг йўл очилди. Натижада юртимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, халқимиз турмуш фаровонлиги юксалиб бормоқда. Дилдаги шукроналик, эртанги кунга қатъий ишонч ҳисси одамларимизни эзгу ишлар сари руҳлантираётир. Бунинг амалий самаралари барча соҳада қўлга киритилаётган улкан муваффақиятлар, забт этилаётган марраларда ўз ифодасини топаяпти.

Хусусан, биргина ёш авлод таълим-тарбияси йўлидаги ислоҳотларни олайлик. Мамлакатимизда ўғил-қизларни ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом этиб камолга етказиш, уларни муносиб рағбатлантиришнинг самарали тизими яратилган. Бевосита Президентимиз томонидан эртамиз эгаларига кўрсатилаётган беқиёс эътибор ва ғамхўрлик шаҳару қишлоқларни бирдек қамраб олган. Пировардида ҳар соҳада илғор ҳамда ташаббускор бўлган, Ватан равнақига муносиб ҳисса қўшишга интилаётган келажагимиз ворислари сафи тобора кенгайиб бораётир.

Термиз давлат университети қошидаги 4-академик лицейда ҳам истеъдодлар кўп. Сариосиё туманида жойлашган ушбу таълим муассасасининг 3-босқич ўқувчиси Манзура Сайфиддинова — улардан бири. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 3 мартдаги қарорига мувофиқ, у Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди.

(Давоми 4-бетда).

---

**АНЖУМАН**

*Инсон саломатлиги — бебаҳо неъмат. Шу боис мустақилликнинг илк йиллариданоқ соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга қаратилган эзгу чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқдаки, бунинг замирида аҳоли саломатлигини муҳофаза этишдек улуғвор мақсад мужассам.*

## Соғлом фарзанд — соғлом келажак

Халқимиз болажон. Истиқлол туфайли ушбу фазилат давлат миқёсига кўтарилди. Президентимизнинг "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт!" деган қанотбахш сўзлари миллатимиз шиорига айланди. Бугун ҳамда эртани кўзлаб қабул қилинаётган Фармон ва қарорлар мазмун-моҳияти ҳам, аввало, ёш авлод камолотига қаратилди.

Фарзандларимиз бахт-саодати йўлида олиб борилаётган улкан ишлар самараси сифатида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Мустақил юртимизнинг биринчи ордени, бу — "Соғлом авлод учун" орденидир. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳар бир йилнинг "Оила йили", "Соғлом авлод йили", "Оналар ва болалар йили", "Ҳомийлар ва шифокорлар йили", "Ижтимоий ҳимоя йили", "Баркамол авлод йили", "Соғлом бола йили" каби муайян номлар билан аталиши ҳам фарзандларимизга, уларнинг баркамол авлод сифатида вояга етишларига бўлган улкан эътибор ва ғамхўрликнинг яққол ифодасидир.

Қолаверса, ўтган йиллар мобайнида "Соғлом она — соғлом бола" ғоясини ўзида мужассамлаштирган дастурлар асосида кенг кўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши натижасида скрининг ҳамда перинатал каби янги тиббий марказлар ва уларнинг вилоятлардаги филиаллари миллий тиббиётимиздан мустаҳкам ўрин эгаллади. Қолаверса, айни пайтда юртимизда республика ихтисослаштирилган Акушерлик ва гинекология ҳамда Педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказлари, уларнинг жойлардаги филиаллари, шунингдек, ҳудудий кўп тармоқли болалар тиббиёт муассасалари самарали фаолият кўрсатмоқда.




***"Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга".***

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддаси.

Бу ҳақда кеча Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида бошланган "Болаларга юқори технологик ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишда замонавий йўналишлар" мавзуидаги халқаро конференцияда ҳам алоҳида таъкидланди. Унда мамлакатимиз олимлари, шифокорлар ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан бир қаторда, Германия, Италия, АҚШ, Жанубий Корея каби хорижий давлатлар мутахассислари иштирок этаяпти.

(Давоми 2-бетда).

---

## Замонавий технологиялар ва юқори маҳсулдорлик

*Кеча пойтахтимизда "ЕвроОсиё — 2015" иккинчи Тошкент халқаро паррандачилик форуми иш бошлади. Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан "Паррандасаноат" уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.*

**ХАЛҚАРО ФОРУМ**

Маълумки, мамлакатимизда паррандачиликка қаратилаётган эътибор, тадбиркорларга яратиб берилаётган қулай шарт-шароитлар туфайли у қисқа даврда қишлоқ хўжалигининг жадал ривожланаётган тармоқларидан бирига айланди. Кейинги йилларда парҳез маҳсулотлар етиштириш ва уни қайта ишлаш ҳажми тобора ошиб бораётгани, ички бозор тухум, гўшт ҳамда бошқа импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдирилаётгани ана шундай дейишга тўла асос бўла олади.

Президентимизнинг 2008 йил 21 апрелдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори, айниқса, паррандачилик хўжаликларининг моддий-техника базасини тубдан яхшилаш, тармоққа хорижнинг илғор тажрибаларини татбиқ этиш, бошқача айтганда, мутлақо янги инфратузилма яратиш имконини берди.

Тадбирнинг очилишида сўзга чиққанлар халқаро форум қўлга киритилаётган ана шу ютуқларни намойиш этиш баробарида, чет эл давлатлари билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, замонавий технологияларни жалб қилиш, энг асосийси, паррандачилик хўжаликлари учун илғор минитехнологияларни жорий этиш бўйича истиқболли лойиҳаларни муҳокама қилишга қулай шарт-шароит яратиб беришини алоҳида таъкидладилар.

Соҳа мутахассислари паррандачиликка "Чорвачиликнинг локомотиви" дея таъриф беришади. Сабаби, ҳеч қайси тармоқда паррандачилик саноатидагидек тез маҳсулот етиштириш ва фойда олишнинг иложи йўқ. Мисол учун, гўшт йўналишида парваришланаётган товуқ 40 кун ичида 2 килограмм тош босса, бир бош товуқдан йилига 305-315 донагача тухум олинади. Ҳар бирида 50 мингтадан то 1 миллионтагача парранда боқилаётган 40 дан ортиқ паррандачилик фабрикалари ва йирик фермер хўжаликлари эришаётган натижалар бунинг тасдиғидир.

Шу билан бирга, мазкур соҳа катта жой, кўп харажат талаб қилмаслиги боис қишлоқлардаги деярли барча хонадонда товуқ парваришланади. Зеро, парранда етти хазинанинг бири бўлиб, халқимиз уни ҳам ёвғон, ҳам дори-дармон, дея эъзозлайди.

(Давоми 2-бетда).

# Сайлов тизими ривожининг янги босқичи

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давра суҳбатида эркин сайлов ва хоҳиш-иродани эркин билдириш принциплари, биринчи навбатда, ҳар бир шахснинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ҳамда сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқи миллий давлатчилигимиз моделининг асосини ташкил этиши таъкидланди. Сайлов соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар тизимли, изчил ва ўзаро боғлиқ хусусиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига бошқа давлат ҳокимияти органларининг аралашувисиз сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишни таъминлайдиган, давлат ҳокимияти органи тизимида алоҳида ўрин тутган конституциявий орган мақоми берилгани ҳам сайловларнинг демократиклиги, очиқ ҳамда ошкоралигини ҳар томонлама таъминлашнинг муҳим кафолатларидан биридир. Марказий сайлов комиссиясини шакллантиришнинг демократик тизими, фаолиятининг асосий принциплари конституциявий норма сифатида белгиланди, шунингдек, Бюджет кодексига киритилган ўзгартишларга мувофиқ, унинг молиявий мустақиллиги таъминланди.

2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтган сайлов, шунингдек, 2015 йилда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови демократик сайлов тизимини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ўзгаришлар ўз самарасини бераётганидан далолатдир. Мазкур сайловлар якунлари давлат ҳокимияти органларини шакллантириш, халқ ҳокимиятининг демократик асосларини мустаҳкамлаш, мамлакатимизни ҳуқуқий давлат ҳамда кучли фуқаролик жамияти қуриш йўлида янада ривожлантиришнинг муҳим босқичига айланди.

Тадбир давомида сайлов тизими ва сайлов тўғрисидаги қонунчиликнинг турли жиҳатлари, жумладан, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, сайлов кампаниясини молиялаштириш, сайлов жараёни иштирокчиларининг жавобгарлиги, партиялараро рақобат, фуқароларнинг давлат ҳамда жамият ишларида иштирокини кенгайтиришга доир долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Хусусан, сайловчиларнинг ягона электрон реестри фаолияти бўйича хорижий ҳуқуқни қўллаш амалиёти, мамлакатимизда ҳам сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини ташкил этиш ва ундан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш масаласи муҳокама қилинди.

Шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини ошириш, сайлов жараёнининг барча иштирокчиси томонидан сайлов қонунчилиги талабларининг қатъий бажарилиши, уни бир хилда қўллаш ҳамда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Экспертларнинг фикрича, сайлов жараёнининг очиқ ҳамда ошкоралигини таъминлаш фуқароларнинг сайлаш ҳуқуқларини амалга оширишнинг кафолатидир. Сайлов кампанияси давомида оммавий ахборот воситалари нафақат сайловчиларни хабардор қилишнинг асосий канали, балки муҳим жамоатчилик назорати воситаси ҳамдир. Бўлиб ўтган парламент ва Президент сайлови давомида Марказий сайлов комиссиясининг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги ривожланиб, янада мустаҳкамланиб бораётгани яққол намоён бўлди.

Давра суҳбати очиқ ҳамда амалий мулоқот шаклида, баҳс-мунозаралар руҳида ўтди. Тадбир иштирокчилари Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифалар инобатга олинган ҳолда, Ўзбекистонда изчил амалга оширилаётган, жумладан, сайлов эркинлигини таъминлаш ҳамда сайлов қонунчилигини ривожлантириш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотлар фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш бўйича Конституциямизда кафолатланган ҳуқуқларини мустаҳкамлашга қаратилгани ҳақида якдил фикр билдирди.

**Зиёда АШУРОВА.**

## СЎЗ — ХАЛҚАРО ДАВРА СУҲБАТИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

**Д. САБО,**
**ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори:**

— Сайлов ҳар бир давлатнинг ҳаётида муҳим сиёсий тадбир саналади. Ўзбекистон сайловлар каби жиддий тадбирларни уюшқоқлик билан ўтказа оладиган мамлакат ҳисобланади. Бунга юртингизнинг ушбу соҳада тўплаган тажрибаси ва сайлов тизимини мустаҳкамлаш бўйича ҳуқуқий асослар ривожи хизмат қилмоқда.

Мазкур давра суҳбати амалга оширилган ишларни таҳлил қилиш, асосий вазифаларни белгилаб олиш имконини берди. Биз Ўзбекистонда сайлов тизимини такомиллаштиришга кўмаклашиш бўйича лойиҳаларни амалга ошираяпмиз. Мисол учун, ҳозирги вақтда Буюк Британия ва Данияга ташриф буюрган Ўзбекистон делегацияси Европанинг ушбу мамлакатлари тажрибасини, чунончи, сайловчиларнинг марказлаштирилган электрон рўйхатини жорий этишни ўрганишаяпти. Ҳозирги шиддаткор давримизда одамлар ўз яшаш жойини эркин ҳамда тез-тез ўзгартириши учун бирон бир шаҳар ёки мамлакатга боришини назарда тутадиган бўлсак, ҳар бир фуқарога сайлаш ҳуқуқини рўёбга чиқариш имкониятини тақдим қилиш зарурдир.

**А. ЦИМДАРС,**
**Латвия Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси:**

— Мен Ўзбекистонда Президент сайловида кузатувчи сифатида иштирок этганман. Айтишим жоизки, сайловлар пухта ва уюшқоқлик билан ўтказилди. Сайлов участкалари бутун сайлов жараёнига оид муфассал ишлаб чиқилган ҳужжатлар билан таъминланган эди. Қонунчиликка риоя этиш сайлов пайтидаги энг муҳим масаладир. Унга амал қилмаслик фуқароларнинг сайлов қонунчилигига бўлган ишончи сусайишига сабаб бўлади.

Латвия тажрибасидан келиб чиқиб, айтишим мумкинки, сайловчиларнинг ягона электрон реестри жорий этилиши, шубҳасиз, фуқаролар ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга хизмат қилади, бутун сайлов жараёни очиқлиги ва ошкоралиги принципини таъминлайди, сайлов комиссиялари ҳамда маҳаллий органлар фаолиятини соддалаштиради, сайловчилар ҳақида аниқ маълумотларни тузиш имконини яратади, икки марта овоз бериш ҳолатларининг олдини олади, “Бир сайловчи — бир овоз” тамойилининг амалда рўёбини таъминлайди. Энг муҳими, у айнан сайловчиларнинг масъулиятини оширади, улар томонидан бўлиши мумкин бўлган шикоятлар сонини камайтиради, чунки сайловчилар рўйхатидаги маълумотлар тўғрилиги учун масъулият сайловчилар зиммасида ҳам бўлади.

**Ж. РАКЭН,**
**Тулуза шаҳри молия судининг фахрий вице-президенти:**

— Ўтказилган тадбир сайлов тизими ривожи учун катта аҳамиятга эга. Бу ерда турли мамлакатлардан манфаатдор экспертлар йиғилди. Ўзбекистон юксак демократик ривожланиш даражасига эришди. Ўзбекистондан ўрганишимиз керак бўлган жиҳатлар бор.

Мен Ўзбекистон сайлов қонунчилиги билан танишиб, у пухта ўйланган ва тўлақонли экан, деган фикрга келдим. Унда фуқаролар ҳуқуқларига тааллуқли барча масалага эътибор қаратилган. Бу жамиятда юксак демократик қадриятлар шаклланганидан далолатдир. Менинг фикримча, сайлов тўғрисидаги қонунларнинг яхлит Сайлов кодекси кўринишида кодификация қилиниши навбатдаги мантиқий қадам бўлади. Бу барча даражада сайловларни ўтказишнинг асосий қоидалари ҳамда умумий тартибини мустаҳкамлаш имконини беради.

**КИМ Юн Так,**
**Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциациясининг ахборот ва коммуникация технологияларини ривожлантириш масалалари бўйича менежери:**

— Ўзбекистонда сайловларнинг очиқлиги ҳамда шаффофлигини таъминлаш борасида адолатли сайлов тизими яратилган. Бўлиб ўтган парламент ва Президент сайловлари унинг демократияга мувофиқлигини кўрсатди. Ахборот технологиялари ушбу жараённи янада такомиллаштириш имконини яратади. Хусусан, Корея Республикасида сайловчиларни электрон рўйхатдан ўтказиш тизими жорий қилинган ва у муваффақиятли ишламоқда. Уларнинг барчаси электрон базада идентификация қилинган ҳамда ҳисобга олинган. Давра суҳбатида тизимимиз ҳақида тақдимот ўтказдим ва унинг самарадорлиги хусусида гапириб бердим. Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини амалга оширишни, сайловларнинг шаффоф ҳамда демократик руҳда ўтишини таъминлайди.

# Соғлом фарзанд — соғлом келажак

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бундан ташқари, анжуманда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, БМТнинг Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ, Аҳолишунослик жамғармаси — ЮНФПА, Германиянинг KFW банки ҳамда GIZ халқаро ҳамкорлик бўйича Германия жамиятининг экспертлари ҳам қатнашмоқда.

Конференция доирасида қатор даволаш муассасаларида хорижий эксперт ва мутахассислар билан ҳамкорликда “Маҳорат дарслари” ўтказилди.

Анжуманда таъкидланганидек, мустақиллик шарофати билан мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. Бинобарин, давлатимиз инсон ҳуқуқлари, хусусан, бола ҳуқуқларига оид кўплаб халқаро битимларни имзолади. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция ҳамда бошқа бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг ратификация қилингани юртимизда болалар манфаатларини ҳимоя этиш алоҳида эътиборда эканлигининг ёрқин далолатидир.

Шу боис конференцияда халқаро мутахассислар томонидан Ўзбекистон оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида кўплаб кўрсаткичлар бўйича етакчи эканлиги яна бир бор эътироф этилди.

— Ўзбекистонга биринчи бор келишим, — дейди АҚШнинг Чикаго госпитали профессори Рикардо Суперина. — Бу ерда аҳоли саломатлигини асраш, айниқса, оналар ҳамда болаларга қаратилаётган улкан ғамхўрликка ҳавасим келди. Энг муҳими, ушбу йўналишнинг давлат сиёсати даражасида эканлиги бошқа мамлакатлар учун ибрат бўла олади, деб бемалол айтиш мумкин. Серқуёш Ўзбекистоннинг нафақат пойтахтида, балки олис ҳудудларида ҳам замонавий шифо масканларининг қад ростлагани, уларнинг кўркамлиги ва энг сўнгги тиббий жиҳозлар билан таъминланганлиги диққатга сазовордир. Буларнинг барчаси саломатликни мустаҳкамлашга хизмат қилибгина қолмай, юртингизнинг ижтимоий-сиёсий қиёфасини намоён этадиган ҳолатдир.

Дарҳақиқат, “Она ва бола скрининги” дастури амалга оширилиши натижасида туғма нуқсонли болалар туғилиши 2000 йилдан буён кескин камайди. Бугунги кунда мамлакатимиз болаларининг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади.

Президентимизнинг “2014 — 2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида”ги қарори асосида бу борадаги ишлар янги босқичга кўтарилди. Бу билан мамлакатимизда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида тиббий ёрдам кўрсатаётган тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базаси ва кадрлар салоҳиятини кучайтириш, замонавий ташхис усулларини жорий этиш, аёллар, болалар ва ўсмирлар касалликларининг олдини олиш борасида 5 йилга мўлжалланган қатор долзарб вазифалар белгиланган.

Анжуман иштирокчилари Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ҳар томонлама ривожланган ёш авлодни тарбиялаш борасида қўлланилаётган янгича ёндашув, мамлакатда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсат юксак самаралар бераётганидан, бу эса кўплаб давлатлар учун ўрнак бўлиб хизмат қилишидан далолат эканини таъкидлашди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икрамов сўзга чиқди.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ТАДБИР

*Пойтахтимизда Давлат статистика қўмитаси томонидан “Тадбиркорлик фаолиятини юритиш шароитларини тубдан яхшилаш доирасида давлат статистика кузатувлари шаклларини ва интерфаол хизматлари тақдим этилишини такомиллаштириш масалалари” мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.*

# Интерфаол хизматлар

### тадбиркорлик субъектлари фаолиятида муҳим аҳамият касб этмоқда

Тадбирда бугунги кунда юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари жадал ривожланаётгани, соҳа вакилларига яратилаётган қулай шарт-шароитлар уларнинг эмин-эркин фаолият юритишига хизмат қилаётгани таъкидланди. Бу жараёнда Президентимизнинг 2014 йил 7 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги Фармони, айниқса, муҳим дастуриламал вазифасини ўтаяпти. Чунки мазкур ҳужжатга кўра, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, кредит олиш, мулкни рўйхатдан ўтказиш, ер участкаларини ажратиш, қурилишга рухсатномалар бериш, электр тармоқларига уланиш каби ишларни “бир дарча” тамойили асосида амалга ошириш жараёни янги босқичга кўтарилди. Жумладан, Давлат статистика қўмитаси томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар туфайли жорий йилдан бошлаб бизнес учун қулай бўлган маълумотлар йиғиш тизими амалиётга татбиқ этилди. Эндиликда кичик бизнес вакиллари статистика ҳисоботларини фақат йиллик асосда, йирик тадбиркорлик субъектлари эса ўтган йилдаги 5 та ойлик ҳисобот ўрнига ягона такомиллаштирилган шаклни тақдим қилмоқдалар.

Эътиборлиси шундаки, мазкур амалиёт йўлга қўйилгач, бирламчи статистика ахборотларининг сифати ва ишончлилиги ошиб, уларни қабул қилиш ҳамда қайта ишлаш муддатлари қисқарди. Бундан ташқари, айни пайтда барча тадбиркорлик субъекти статистика ҳисоботларини тўлиқ электрон шаклда топшираяпти.

Шу билан бирга, қўмита томонидан “Фирма номларини захирага қўйишнинг электрон тизими” ишлаб чиқилган даврдан эътиборан, 248 мингдан ортиқ фирма номи қонун талабларига мос келиши, маълумотлар базасида мавжуд номларга ўхшаш ёки адаштириш даражасида ўхшаш эмаслиги нуқтаи назаридан белгиланган тартибда захирага олинди.

Анжуманда журналистларга қўмита томонидан ушбу йўналишда келгусида амалга оширилиши режалаштирилаётган лойиҳалар хусусида ҳам батафсил маълумот берилди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Замонавий технологиялар ва юқори маҳсулдорлик

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу бежиз эмас, албатта. Чунки товуқ парваришланган оилада гўшт сероб бўлади. Мунтазам парҳез маҳсулот истеъмол қилган кишига эса дард яқин йўламаслиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан парранда гўшти тановул қилишнинг тиббий меъёрлари ишлаб чиқилганининг сабаби ана шунда.

— Паррандачиликка ихтисослаштирилган бизнинг жамоамизга бундан саккиз йил аввал 10 минг дона жўжа келтирилган эди, — дейди “Agro Chiken Business” корхонаси мутахассиси Маҳаммаджон Тўйметов. — Ҳозирги кунга келиб, товуқларнинг бош сони 110 мингтадан ошди. Улар “Ломанн Браун-классик” зотига мансуб бўлиб, маҳсулдорлиги юқори: кунига ўртача 100 мингта тухум олинаяпти.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, кейинги йилларда тармоқ учун зарур ускуна ва жиҳозлар, ветеринария дори воситалари ишлаб чиқариш маҳаллийлаштирилгани фаолиятимиз ривожида қўл келаяпти. Касалликларнинг олди олиниб, тухум ва парранда гўшти етказиб бериш ҳажми кўпаймоқда. Форум доирасида чет эл компанияларининг тақдимотлари ўтказилгани эса айни шу жиҳатдан фойдали бўлди.

Форумда хорижий давлатларнинг ўнлаб корхона ва компаниялари вакиллари ҳам иштирок этаяпти.

— Биз Ўзбекистон билан кўп йиллардан буён ҳамкорлик қилиб келамиз, — дейди “Big Dutchman” (Германия) компанияси менежери Виктор Галле. — Шу боис юртингизда паррандачилик тармоғи жадал ривожланиб бораётганини яхши биламиз. Компаниямиз ушбу соҳа учун зарур ускуна ва жиҳозлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган бўлиб, ўз маҳсулотимизни мамлакатингиз бозорига дастлаб 2008 йилда олиб кирган эдик. Ўтган давр мобайнида алоқаларимиз мустаҳкамланиб, корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнида фаол иштирок этаяпмиз. Бундай лойиҳалар давлатингиз томонидан қўллаб-қувватланиб, имтиёзли кредит маблағлари билан таъминланаётгани эътиборга лойиқ. Мазкур тадбир эса ўзбекистонлик соҳа вакиллари билан савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш, янги ҳамкорлар топишимизга хизмат қилади.

Мутахассислар фикрича, ички ва ташқи бозорда паррандачилик маҳсулотларига бўлган талаб бугунги кунда янада ортган. Бу эса экологик тоза ва юқори сифатли маҳсулотлар тайёрлаш ҳажмини муттасил ошириб боришни тақозо қилади. Шу маънода, Ўзбекистонда махсус дастур асосида ҳар йили кўплаб замонавий паррандачилик хўжаликлари ташкил этилаётгани, парҳез гўштни қайта ишлашга ихтисослаштирилган саноат корхоналари фойдаланишга топширилаётгани маҳсулот турини кўпайтиришда муҳим омил бўлаётгани диққатга сазовордир.

Форум доирасида паррандачиликни йўлга қўйиш, соҳада самарали фаолият юритиш, омихта ем, ветеринария маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда тармоққа илғор технологияларни жорий этиш каби долзарб масалалар муҳокама қилиниши баробарида, маҳаллий ва хорижий корхоналарнинг тақдимотлари ҳам ўтказилмоқда.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Кичик корхонанинг дадил одими

*Фарғона туманининг Водил қишлоғидаги “Mebel mega servis” корхонасига ажратилган 50 миллион сўмлик банк кредити унинг фаолиятини кенгайтиришга йўналтирилди.*

## ИНТИЛИШ

Натижада ушбу маблағ эвазига зарур хом ашё харид қилиниб, 15 турдаги замонавий мебель жиҳозлари тайёрлаш йўлга қўйилди.

— Жорий йилнинг ўтган даврида 150 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқардик, — дейди корхона раҳбари Ҳамдамжон Пўлатов. — Ҳозир бюджет ташкилотлари билан тузилган 120 миллион сўмлик буюртмаларни якунига етказаяпмиз. Келгуси йилда эса ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш ва меҳнат ўринлари сонини кўпайтиришни мақсад қилганмиз.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ИННОВАЦИОН ТАДҚИҚОТЛАР ВА ТАРАҚҚИЁТ

*Бугунги кунда давлат ва жамият ривожини илм-фан ютуқларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Айниқса, мустақил тараққиёт йўлидан дадил одимлаб бораётган навқирон мамлакатлар учун инновацион ғоя ҳамда ишланмаларнинг аҳамияти беқиёс. Шу боис юртимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ илмий изланишлар билан шуғулланаётган тадқиқотчилар фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг самарали механизми ишлаб чиқилди.*

## ИЛМ-ФАН ВА АМАЛИЁТ

Юксак билим ва салоҳиятга эга олимларнинг янги авлодини шакллантириш тизими яратилди. Бунинг амалий натижалари турли соҳалардаги ўсиш ҳамда юксалиш суръатларида яққол намоён бўлмоқда.

Хусусан, кейинги йилларда Жиззах вилоятида ишга туширилган катта-кичик корхоналарнинг барчаси энг илғор ускуна ва дастгоҳлар билан жиҳозланган. Эътиборлиси, илм-фан ютуқлари асосида яратилган бундай технологияларнинг ишлаб чиқаришга изчил татбиқ этилишида жиззахлик олимларнинг ҳам муносиб улуши бор. Чунончи, вилоят ҳудудий инновация фаолияти ва технологиялар трансфери маркази томонидан амалга оширилаётган ишлар янгидан-янги муваффақиятлар учун асос бўлаётир.

— Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси билан ҳамкорликда “Ёғ-мой саноати иккиламчи чиқиндиларидан фойдаланган ҳолда сурков мойлари олиш технологияси” мавзуидаги 170 миллион сўмлик инновацион лойиҳани якунлаш арафасида турибмиз, — дейди марказ етакчи мутахассиси Азиз Ғофуров. — Уни амалга оширишда Жиззах политехника институтининг Транспорт воситаларини ишлатиш кафедраси олимлари фаол иштирок этишаяпти. Мазкур лойиҳа Ўзбекистон шароитида маҳаллий реагентлар ёрдамида сурков мойларини яратиш ва унинг реологик хоссаларини ўзгартириш орқали сифатини ошириш ҳамда таннархини камайтиришга қаратилган. Қолаверса, пахта хом ашёси иккиламчи чиқиндисидан автотранспорт воситаларида қўлланиладиган сурков мойларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш ҳам асосий мақсадимиздир. Бу борада Жиззах вилояти ҳудудидаги маҳаллий ёғ-мой корхоналари билан хом ашё етказиб бериш юзасидан ҳамкорлик қилиш режалаштирилган.

— Маълумки, зичлаштирувчи мойлар мамлакатимизга, асосан, чет элдан валюта ҳисобига келтирилади, — дейди лойиҳа мувофиқлаштирувчиси Сирожиддин Жиянбоев. — Бизнинг ишланмамиз эса тармоқда Маҳаллийлаштириш дастурининг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлаш баробарида, катта миқдордаги валютани тежаб қолишга ҳам хизмат қилади.




Таъкидлаш жоизки, жиззахлик олимлар томонидан ниҳоясига етказилаётган ушбу инновацион лойиҳа натижасида ҳозирнинг ўзидаёқ лаборатория шароитида сурков мойларининг 4 тури яратилди. Унинг дастлабки туркуми Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида синовдан муваффақиятли ўтказилди. Изланишлар эса изчил давом эттирилмоқда. Бу борада лойиҳа иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институти олимлари, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи ҳамда Жиззах вилоятининг Дўстлик туманидаги “Нурли Дон”, Наманган вилоятининг Учқўрғон туманидаги ёғ-мой корхоналари мутахассислари билан самарали ҳамкорлик қилаётгани ютуқлар омили бўлмоқда. Энг муҳими, янги ишланма келгусида республикамиз саноатининг экологик хавфсиз ва сифатли техник мойларга бўлган талабини қондиришга хизмат қилади.

**Тожиддин ҚАМАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

ТАҲЛИЛ

*Бугун юртимиз бозорларида мўл-кўлчилик: расталарга дид билан териб қўйилган турли-туман ноз-неъматларни кўриб, кўз қувнайди. Бундай манзарага биз йилнинг барча фаслида гувоҳ бўлишга одатланганмиз. Чунки азалдан деҳқонларимиз миришкор, заминимиз эса саховатли.*

*Шу билан бирга, буларнинг барчаси кейинги йилларда мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, уни таркибий янгилаш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар самараси эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлидир.*



# ФАЙЗУ БАРАКА МАНБАИ

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, хусусан, ўзимизда етиштирилаётган мева-сабзавот, полиз, узум ҳамда картошка маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бунда аниқ манзилли чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилгани, айниқса, қўл келаётир. Масалан, ушбу дастур доирасида жорий йилнинг эрта баҳорида ўтган йилдагига нисбатан 103 фоиз кўп майдонга сабзавот, 107 фоиздан ортиқ ерга картошка, 112 фоиздан зиёд пайкалга полиз экинлари экилди.

Бундан ташқари, ғалладан бўшаган майдонларда кунгабоқар, маккажўхори, соя, шоли, сабзавот ва полиз экинлари такрорий экин сифатида парваришланди. Пировардида мўл ҳосил етиштиришга эришилди.

Аҳолини йил давомида сархил мева-сабзавот билан узлуксиз таъминлаш мақсадида, шунингдек, 84 минг тонна сиғимли музлаткич-омборхона ва 420 гектардан ортиқ майдонда енгил конструкцияли иссиқхона ташкил этилгани айни муддао бўлаяпти.

Таъкидлаш жоизки, юртимизнинг барча ҳудудида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш ва унинг захирасини яратиш ишларига жиддий эътибор қаратилаётир. Жумладан, Қашқадарё вилоятида ўтган тўққиз ой мобайнида 391 минг тонна сабзавот, 134 минг тонна картошка, 106 минг тонна полиз маҳсулотлари, 106 минг тонна мева, 71 минг тонна узум етиштирилди. Натижада бу ерда соҳанинг улуши ўтган йилнинг шу давридагига таққослаганда, 1,5 баробар ўсди.

Мутахассислар фикрича, вилоят аҳолисининг асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган йиллик эҳтиёжи 758 минг тоннани ташкил этади. Қиш — баҳор мавсуми учун талаб эса 261 минг тоннадан иборат. Шунча миқдордаги маҳсулотни ғамлаш ва аҳолига арзон нархларда етказиб бериш учун ҳудудий савдо базалари, бозорлар, таъминот ҳамда йирик саноат корхоналарида тегишли чора-тадбирлар кўрилди.

— Жорий йилда 61360 тонна мева, узум, сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотлари жамғаришни режалаштирганмиз, — дейди вилоят ҳокимлиги иқтисодиёт бошқармасининг агросаноат комплекси бўлими бошлиғи Наврўз Ҳакимов. — Ноябрь ойига қадар эса жами 52141 тонна маҳсулот тайёрланиб, бу борадаги режа 85 фоиз уддаланди. Маҳсулотларнинг 2052 тоннаси ижтимоий соҳа корхоналари, 5675 тоннаси "Ўзулгуржисавдоинвест" уюшмаси корхоналари, 8777,6 тоннаси Бозорлар уюшмаси, 7862 тоннаси йирик корхоналар ва ташкилотлар, 6336 тоннаси ихтисослаштирилган фермер хўжаликлари ва агрофирмалар, 21438 тоннаси бошқа корхоналар ҳиссасига тўғри келади. Бу юмушларни амалга ошириш учун эса 106 млрд. сўм, шу жумладан, банкларнинг 18,7 млрд. сўмлик кредитлари йўналтирилди.

Айтиш керакки, Оролбўйида ҳам қишлоқ хўжалигида мўл ҳосил етиштириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан бир қатор ишлар рўёбга чиқарилмоқда. Махсус дастурга мувофиқ, эрта баҳорда 187 гектар майдонда интенсив боғлар барпо этилгани, 433 гектарлик эски боғлар қайта тиклангани бунинг тасдиғидир.

— Соҳадаги ишларни жадаллаштиришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 декабрдаги "2015 йилда мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, полиз ва узум ишлаб чиқариш ҳамда улардан фойдаланишнинг прогноз кўрсаткичлари тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бўлимининг бош мутахассиси Азамат Камолов. — Натижада деҳқону боғбонларимиз бу йил 154 минг 433 тонна сабзавот, 32 минг 623 тонна картошка, 75 минг 715 тонна полиз маҳсулотлари етиштиришди. Барча тоифадаги хўжаликларда йиғиштириб олинган 26 минг 298 тонна мева ва 3 минг 592 тонна узум эса маҳаллий бозорларга босқичма-босқич чиқарилаётир.

Қолаверса, бугунги кунгача 6 минг 804 тонна картошка, 5 минг 49 тонна пиёз, 3 минг 461 тонна сабзи, 1 минг 741 тонна карам, 3 минг 943 тонна мева, 2 минг 95 тонна гуруч ва 898 тонна дуккакли дон, 2 минг 369 тонна полиз маҳсулотлари захираси яратилдики, бу, шубҳасиз, халқимизнинг қиш дастурхони янада файзли бўлишига хизмат қилади.

Дастурхонимиздан йил бўйи сархил мева-сабзавот маҳсулотлари аримаслиги, авваламбор, деҳқонлар, фермерлар ва соҳа мутахассисларининг фидокорона меҳнати, бой тажрибаси ҳамда ўз ишига садоқатининг амалий натижаси, десак, муболаға бўлмайди. Бунда, табиийки, мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ислоҳ этиш бўйича ўта муҳим чора-тадбирлар амалга оширилаётгани, қишлоқда бозор муносабатлари жорий этилиб, хусусий мулкчилик шаклини ривожлантириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш учун барча шарт-шароит яратиб берилаётгани муҳим аҳамият касб этаётир.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Оилавий бизнес муваффақияти

*Янгийўл туманилик тадбиркор Икром Ваҳобов яратилган кўплаб имтиёз ва преференциялардан оқилона фойдаланиб келаяпти. Сабаби, у ташкил этган тикувчилик цехи "оилавий корхона" мақомига эга.*

ИЗЛАНИШ

Дастлаб фақат оила аъзолари иштирокида фаолият бошлаган мазкур субъект қисқа фурсатда 30 нафар чевардан иборат жамоага айланди. Илк даромад ҳамда молия муассасаси мадади билан Хитойдан замонавий тикиш-бичиш, қолиплаш, безак бериш ускуналари олиб келинди.

— Тикаётган либосларимиз, асосан, болажонларга мўлжалланган, — дейди корхона мутасаддиларидан бири Озода Ваҳобова. — Шу боис уларни тайёрлашда табиий толали, юмшоқ матолардан фойдаланаяпмиз. Либослар дизайни ва сифати устида қўлигул чеварларимиз доимий изланишда.

Айни пайтда бу ерда ойига 2 минг донадан ортиқ 20 турдаги кийим-кечак тайёрланмоқда. Тадбиркорнинг мақсади ушбу кўрсаткични ошириш ва ўз маҳсулотларини экспортга ҳам йўналтиришдир.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


Qishloq Qurilish Bank

**АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»**

**«Eset Nod32»**
**лицензияли антивирус**
**дастурини**
**сотиб олиш юзасидан**
**танлов эълон қилади.**

***Таклифлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 5 кун давомида қабул қилинади.***

**Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:**
**100011, Тошкент шаҳри,**
**Алишер Навоий кўчаси, 18-«А» уй.**
**Телефон: (+99871) 150-76-85.**

1743R/632


РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР


**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги**
**Ижтимоий тадқиқотлар институти**

- лойиҳа раҳбарлари;
- лойиҳа раҳбарлари ўринбосарлари;
- бош илмий ходим;
- етакчи илмий ходим;
- катта илмий ходим;
- кичик илмий ходим

**лавозимларига қуйидаги бўлим (лойиҳа)лар бўйича танлов эълон қилади:**

- аҳоли турмуш даражаси ва сифатини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш, тизимли таҳлил этиш ҳамда мониторинг қилиш лойиҳаси;
- аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг турли таркибини социологик тадқиқ қилиш лойиҳаси;
- жамиятнинг ижтимоий табақаланиш жараёни ва суръатини чуқур ўрганиш ҳамда мониторинг қилиш лойиҳаси;
- истеъмол саватининг таркибини аниқлаш ва унинг ўзгариш суръатини мониторинг қилиш лойиҳаси.

**Мурожаатлар 2015 йил 20 декабрга қадар қабул қилинади.**

**Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-19-52, 239-14-18. Факс: (0-371) 244-70-04.**
**Тўлиқ маълумот ушбу сайтда: www.isr.uz**

**Танловда қатнашиш учун зарур бўлган ҳужжатлар:**

- сўровнома (фотосурат билан);
- таржимаи ҳол;
- дипломлардан иловалари билан нусхалар;
- тавсифнома;
- чоп этилган илмий ишлар рўйхати.

**Ҳужжатларни қуйидаги манзилга юбориш мумкин: kadr@isr.uz**

1697A8802



**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**
**Тошкент шаҳар филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2015 йил 2 сентябрдаги 10-1513/14194-сонли ва 2015 йил 18 августдаги 10-1513/13639-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, «159-қурилиш трестига қарашли ҚБ-21» АЖга тегишли, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Беруний кўчаси, 2-уйда жойлашган, умумий майдони 570,0 кв.м. дан иборат бўлган маъмурий бино қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 704 215 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 28 декабрь куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 25 декабрь куни соат 18.00. Кўчмас мулк билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг АИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204920609019, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади. Хорижий юридик ва жисмоний шахслар қўшимча равишда сўмдаги маблағларининг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотни тақдим қилишлари шарт.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Мирobод тумани,**
**Истиқбол кўчаси, 34-уй.**
**Телефон: (0-371) 236-38-28.**
**www.1kms.uz**

1750R/02

Лицензия: RR-0001.



**«NEW TRANS ALLIANCE» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

2015 йил 29 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Зангиота тумани СИБ томонидан 14321-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги мол-мулклар қўйилмоқда:

* Фойдаланилган «Arizol» русумли айлана тўқиш машинаси (круговязальная машина) — 2 дона.

***Бошланғич баҳоси — 90 000 000 сўм.***

* Фойдаланилган «Pilotelli» русумли айлана тўқиш машинаси — 1 дона.

***Бошланғич баҳоси — 45 000 000 сўм.***

* Фойдаланилган «Mayer&Cie» русумли айлана тўқиш машинаси — 7 дона.

***Бошланғич баҳоси — 280 000 000 сўм.***

* Фойдаланилган «Wellknit» русумли носоз айлана тўқиш машинаси — 6 дона.

***Бошланғич баҳоси — 60 000 000 сўм.***

* Фойдаланилган назорат машинаси — 1 дона.

***Бошланғич баҳоси — 5 000 000 сўм.***

* Туркияда ишлаб чиқарилган носоз компрессор — 1 дона.

***Бошланғич баҳоси — 5 000 000 сўм.***

* Фойдаланилган *17 дюймли* «LG» монитори — 1 дона.

***Бошланғич баҳоси — 40 000 сўм.***

* Фойдаланилган процессор — 1 дона.

***Бошланғич баҳоси — 200 000 сўм.***

Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Мирobод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади.

Юқоридаги мол-мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мол-мулклар бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «New trans alliance» МЧЖнинг АТБ «Asia alliance bank» Мирзо Улуғбек тумани филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904887305001, МФО: 01103, СТИР: 301829604.

Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани,**
**Дарвозакент 2-берк кўчаси, 16-уй.**
**Телефон: (+99897) 325-07-13.**

«Халқ сўзи» газетасининг 2015 йил 18 ноябрдаги 223 (6406)-сонида «New trans alliance» МЧЖ томонидан берилган эълондаги 2015 йил 7 декабрь кунига белгиланган аукцион савдосини ўтказиш санаси 2015 йил 9 декабрь кунига кўчирилганлиги маълум қилинади.

1747R/822

Гувоҳнома № 004593.



**«KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** Тошкент шаҳар Чилонзор тумани СИБ томонидан 2014 йил 20 октябрдаги 10-1416/14501-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20-«А» квартал, 8-уй, 130 ва 131-хонадонларда жойлашган, умумий майдони 137,0 кв.м.дан иборат бўлган офис биноси.

***Бошланғич баҳоси — 418 783 500 сўм.***

**2.** Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2013 йил 10 июндаги 10-1214/23541-сонли ва бошқа ижро варақаларига асосан хатланган, «Liftmontajsozlash» МЧЖга қарашли, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Жануби-Ғарбий саноат ҳудуди, Лойиҳа Г-44 (Проектная) кўчаси, 8-уйда жойлашган, ер майдони 14485 кв.м., бино-иншоотларнинг майдони 2325,0 кв.м.дан иборат бўлган ишлаб чиқариш ҳудуди бино-иншоотлари мулкий мажмуа сифатида.

***Бошланғич баҳоси — 3 670 626 340 сўм.***

**3.** Тошкент шаҳар хўжалик судининг қарорлари асосида хатланган, «Liftmontajsozlash» МЧЖга қарашли, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 6-кварталда жойлашган, ер майдони — 1,385 гектар, ҳужжатли қурилма — 498,0 кв.м., ҳужжатсиз қурилмалар — 887,0 кв.м. дан иборат бўлган, яъни Блок-А — омборхона-цех биноси, Блок-Б — қўшимча қурилма (ҳужжатсиз), Блок-В — бостирма (навес), Блок-В1 — бостирма, Блок-В2 — бостирма, Блок-Г — қайта қурилган бино (ҳужжатсиз), Блок-Д — ҳожатхона ҳамда 8 дона вагон-уй, 1 дона кўприксимон кўтаргич ва 1 дона икки балкали крандан иборат бўлган бошқарма ҳудуди мулкий мажмуа сифатида.

***Бошланғич баҳоси — 1 292 739 908 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 10 декабрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko'p tarmoqli ko'chmas mulk savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади ҳамда аукцион савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри,**
**Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона.**
**Телефонлар: (0-371) 249-54-59, 249-53-61.**

1742R/6

Хизматлар лицензияланган.



**«ҚУРИЛИШ-ЛИЗИНГ»**
**ЛИЗИНГ ТАШКИЛОТИ**



**Барча мулк шаклидаги қурилиш ташкилотлари учун**

**қурилиш техникаси**
**махсус транспорт**
**қурилиш асбоблари**
**кичик механизация воситалари**
**технологик жиҳозлар**

**Лизинг** 1 йилдан 5 йилгача
**Ижара** 1 йилгача



**Лизинг операцияларини амалга ошириш орқали ўз маблағингизни сезиларли равишда тежаш имкониятига эга бўласиз!**

**Лизинг шартлари ҳар бир мижоз учун алоҳида тарзда белгиланади.**

**2016 йилга ҚУРИЛИШ ТЕХНИКАСИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ**

**МАВЖУД ТЕХНИК АНЖОМЛАР:** Маҳсулот сертификатланган.

**— «YTO C1402» РУСУМЛИ ЗАНЖИРЛИ ТРАКТОР;**
**— КОМПОЗИТ АРМАТУРА УЧУН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЛИНИЯСИ**

**ШУНИНГДЕК, ҚУЙИДАГИ КИЧИК МЕХАНИЗАЦИЯ ВОСИТАЛАРИ ҲАМ МАВЖУД:**

**— БЕТОН ҚОРУВЧИ ҚУРИЛМАЛАР (РОССИЯ, ЎЗБЕКИСТОН);**
**— РОССИЯДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ТУРЛИ РУСУМДАГИ МАЙДАЛОВЧИ БОЛҒАЛАР;**
**— ПАСАЙТИРУВЧИ ТРАНСФОРМАТОРЛАР, ЧУҚУРЛИК ВИБРАТОРЛАРИ, БЕТОНҚОРГИЧ.**

«СБР-170А»



Бетонқоргич «СБР 800»



**АРЗОН НАРХЛАРДА, ЧЕГИРМАЛИ САВДО-СОТИҚ**

Бўёқчилик аппарати «АМ-01»



Тош кесувчи ускуна «СК-350/600»



Тўловлар миллий валюта — сўмда амалга оширилади.

**Манзил: Тошкент ш., Олтин водий к., 29-«А» уй.**
**www.qurilish-lizing.uz E-mail: kurilish2003@mail.ru**

**Т.: (0-371) 250-73-14, 250-51-04, (+99890) 958-61-61.**
**Факс: (0-371) 250-51-04.**




1731R/

# КАМОЛОТ САРИ



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Бундан жуда фахрланамиз, — дейди лицей директори Муҳаммади Ражабов. — Манзура нафақат аълочи, балки ижодкор ўқувчимиз ҳамдир. Бир неча шеърий тўплами чиққан. Қолаверса, ўтган йили “Ораста қизлар” ҳамда “Маҳалланинг энг ораста қизлари” фестивалларининг республика босқичларида муносиб иштирок этиб, махсус сертификат билан тақдирланди. Ҳозир эса у ўз истеъдодини янада юксалтириш йўлида изланишда. Бунда лицейимиз ўқитувчиларининг йўл-йўриқ ва кўрсатмаларидан оқилона фойдаланаяпти. Шунингдек, Манзурага ҳавас қилиб, унинг ортидан эргашаётган ёшларимиз сони тобора ортиб бормоқда. Келгусида улар Ўзбекистонимиз номини янада улуғлашга муносиб улуш қўшишларига ишонамиз.

Таъкидлаш жоизки, мазкур академик лицей ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича чуқур билим беришга ихтисослаштирилган. Бу ерда умумтаълим фанлари бўйича 45 та, жисмоний тарбия ва спорт бўйича 4 та тўгарак машғулотлари йўлга қўйилган. “Нафосат” қизлар клуби фаолият юритаётир. Қишки ҳамда ёзги спорт зали, волейбол, баскетбол ва футбол майдонлари — ўғил-қизлар ихтиёрида. Бу эса ўқувчиларнинг ўз билим ҳамда маҳоратларини ошириб боришларида қўл келаяпти.

— Ўзбекистоннинг бахтли фарзандларидан бириман, — дейди Манзура. — Чунки обод ва озод Ватанда туғилдим. Тенгдошларим қатори ҳеч кимдан кам бўлмай камол топаяпман. Билим олишимиз, касб-ҳунар эгаллашимиз учун барча шарт-шароит муҳайё. Ижодий изланишларимиз давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Бу эса биз, навқирон авлод вакилларини янгидан-янги марралар сари руҳлантираяпти. 2015 йил мен учун жуда омадли келди. Зулфия номидаги Давлат мукофотига лойиқ кўрилдим. Бу эътироф мени астойдил ўқиб-изланишга, ишончни оқлашга ундайди.

Ҳақиқатан ҳам, рағбат истеъдодга қанот бағишлайди. Ўзбекистон эса фарзандларига ғамхўр ва меҳрибон мамлакат. Шундай экан, халқимизнинг эртаси янада ёруғ, ёшлари ҳамиша бахтли бўлиши, шубҳасиз.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

**ҲАФТАЛИК**

*Тошкент Мода ҳафталиги миллий мода ҳамда дизайн соҳасини янада ривожлантириш, миллий анъаналарни асраб-авайлаш ва тарғиб этиш, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ушбу соҳада халқаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қиладиган муҳим воқеадир.*

# ДИЗАЙНЕР ВА МОДЕЛЬЕРЛАР ФОРУМИ

## Тошкентда Мода ҳафталиги очилди.

«Мода ҳафталиги — 2015» дастуридан дефиле, концерт, кўргазма, маҳорат сабоқлари каби ўн бешга яқин турли тадбирлар ўрин олган. Тадбирларнинг бир қисми Ёшлар ижод саройида, бошқалари Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида бўлиб ўтади. Ҳафталик «Osiyo ramzi» Ўзбекистон модельерлар ва дизайнерлар уюшмаси томонидан ташкил этилди.

Тошкент Мода ҳафталигида иқтидорли ҳамда таниқли дизайнерлар, маҳоратли мутахассислар иштирок этмоқда. Шарқона гўзаллик ва анъаналарни намойиш этиш ҳафталикнинг асосий йўналишидир. Шунингдек, Мода ҳафталиги доирасида мамлакатимиз дизайнерларининг муаллифлик намойишлари ўтказилиши кутилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, замонавий технологияларни фаол ўзлаштириш ва тайёр тўқимачилик маҳсулотлари дизайнини такомиллаштириш мамлакатимиз иқтисодий тараққиётига хизмат қилади.

Шу боис тадбир ташкилотчилари миллий мода соҳасини тарғиб қилиш, дизайнерлар ва мода уйларига ўз коллекцияларини намойиш этиш, ёш дизайнерларнинг ижодий салоҳиятини юксалтириш, янги номларни кашф этиш, профессионал муҳитни шакллантириш, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

«Osiyo ramzi» Ўзбекистон модельерлар ва дизайнерлар уюшмаси бошқаруви раиси Холида Комилованинг сўзларига кўра, Мода ҳафталигига пухта тайёргарлик кўрилган. Уюшма жамоаси Италия, Франция, Буюк Британия дизайнерлари билан ҳамкорликда иш олиб борди. Мамлакатимиз мутахассислари Италиянинг Милан шаҳрида бўлиб, Италия модаси тизимининг фаолият юритиш механизмларини ўрганди ва бу ердаги кўплаб машҳур компаниялар, шоурумлар билан танишди. Шунингдек, Италия, Франция ва Жанубий Корея дизайнерлари ҳам юртимизда маҳорат сабоқлари ва семинар-тренинглар ўтказди.

Мамлакатимиз дизайнерлари жаҳон миқёсида ўтказилган энг сўнгги мода ҳафталикларининг трендларини пухта ўрганиб, хорижий дизайнерлар иштирокидаги ижодий учрашувлардан сўнг Мода ҳафталиги давомида анъанавий ўзбек либослари ва таркибий қисмларини жаҳон бозори талабларига мувофиқ замонавий мода тенденцияларига мослаштириш ва уйғунлаштиришга ҳаракат қилмоқда.

Ҳафталик доирасида дастлаб, Стилистлар, визажистлар ва nail-art республика танлови ўтказилади. Ушбу танловда мамлакатимизнинг турли вилоятларидан таниқли косметолог, нейл-дизайнер, сартарош, визажист, турли салон бизнеси лойиҳалари раҳбарлари иштирок этади.

Тошкент Мода ҳафталиги концепциясини биргаликда ишлаб чиқиш мақсадида мамлакатимизга таклиф этилган италиялик дизайнерлар томонидан Милан аёллар модаси ҳафталигининг сўнгги коллекциялари ҳам намойиш этилади.

Бундан ташқари, «Ёш дизайнерлар» дефилеси танлов иштирокчиларига салоҳиятини намоён этиш, ўз ижоди намуналарини мутахассислар муҳокамасига тақдим қилиш учун ўзига хос имкониятдир. Дефиледа, асосан, талабалар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари иштирок этади. Улар ўзларининг ажойиб ижодий орзулари, ностандарт ёндашувлар ва ҳар томонлама қизиқишларини ёркин ифода этадиган коллекцияларни омма эътиборига ҳавола қилади. «Ёш дизайнерлар» дефилеси талабалар ва ёш дизайнерларни ижод қилиш, янги ғоялар топиш ва мода оламида янгиликлар яратишга ундайди, уларнинг соҳага бўлган қизиқишини янада оширишга хизмат қилади.

Ҳафталик давомида ўтказиладиган «Миллий либос» фестивалида мамлакатимиздаги истеъдодли дизайнерлар иштирок этади. Мазкур тадбир юртимизнинг турли ҳудудларида кийиладиган либосларнинг шакли, улар тайёрланадиган матолар ва дизайнерлик ёндашувлар ранг-баранглигининг ўзига хос намойишидир. Айниқса, фестиваль мода соҳасининг ўзига хос ахборот майдони ва ижодий илҳом манбаи сифатида чет эллик дизайнерларни ҳам ўзига жалб этади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ушбу фестиваль миллий либосларни асраб-авайлаш рамзи ва ўзбек халқининг ўзига хос хусусиятларини ифодалайди.

Якуний гала-fashion шоуда мамлакатимиз ва италиялик дизайнерлар моделларининг намойиши Ўзбекистонда мода ҳамда дизайн соҳасидаги замонавий изланишлар ва анъаналар ранг-баранглигини ўзида мужассам этади. Ушбу дефиле мамлакатимизда замонавий моданинг энг сўнгги тенденциялари ихлосмандларида алоҳида қизиқиш уйғотмоқда.

Мода ҳафталиги доирасида етакчи мутахассислар миллий ҳамда замонавий либосларни моделлаштириш ва лойиҳалаштириш, брэндинг, услубни танлаш, сартарошлик санъати ҳамда макияж бўйича профессионал дизайнерлар, олий ўқув юртлари талабалари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун маҳорат сабоқлари ҳамда семинар-тренинглар ўтказади.

Мухтасар айтганда, замонавий ва миллий либослар байрамига айланадиган Тошкент Мода ҳафталиги иштирокчилар ҳамда томошабинлар хотирасида узоқ вақт сақланиб қолади.

**Меҳрибон МАМЕТОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# «Шодлик наволари»

*Нукусда “Шодлик наволари” мусиқа чолғулари ижрочилари танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди.*

Унда 15 ёшдан 26 ёшгача бўлган 14 нафар иқтидорли ёш созанда фортепьяно, дамли, торли-камонли, зарбли ҳамда эстрада чолғулари ижрочилиги бўйича ўз иқтидорини намойиш қилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан уюштирилган мазкур танлов чолғу ижрочилари ўртасида яккахон ижрочилик санъатини ривожлантириш ва чолғучилик санъатини тарғиб этишга хизмат қилмоқда.

Танловда фортепьяно бўйича биринчи ўрин Ойсанам Авезовага, торли-камонли чолғу ижрочилигида Абуталиф Узоқбоевга, дамли чолғулар ижрочилигида эса Тимур Заитовга насиб этди.

**Гулжаҳон СЕЙТНАЗАРОВА.**

## Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2015 ЙИЛ 14 НОЯБРДАН 20 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги бош директорининг 2015 йил 19 октябрдаги 107-сонли «Ортиқча босимли сув иситиш қозонлари, сув иситгичлар ва буғ қозонларини ўрнатиш ва улардан фойдаланишда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

**2015 йил 17 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2729 (2015 йил 23 ноябрдан кучга кирди).**

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки бошқарувининг 2015 йил 6 ноябрдаги 97, 135-В-1-сонли «Хўжалик юритувчи субъектларга бир нечта банкда ҳисобрақамлар очиш ва улардан тўловларни амалга ошириш тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

**2015 йил 17 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 864-1 (2015 йил 23 ноябрдан кучга кирди).**

3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2015 йил 19 октябрдаги 91-сонли «Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимларига Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги хизмат сафари харажатлари учун маблағлар бериш тартиби, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2015 йил 19 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 932-3 (2015 йил 23 ноябрдан кучга кирди).**

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2015 йил 19 октябрдаги 92-сонли «Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимлари Ўзбекистон Республикаси ташқарисига хизмат сафарига юборилганда хизмат сафари харажатлари учун маблағлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

**2015 йил 19 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2730 (2015 йил 23 ноябрдан кучга кирди).**

5. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2015 йил 3 ноябрдаги 590-сонли «Контрактларни мустақил экспертиза қилувчи ва импорт қилинадиган товарларни жўнатишдан олдин назоратдан ўтказиб борувчи консалтинг фирмаларни аккредитация қилиш тартиби, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2015 йил 19 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 481-5 (2015 йил 23 ноябрдан кучга кирди).**

6. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2015 йил 3 ноябрдаги 589-сонли «Аккредитация қилинган сертификатлаштириш органлари ва синов лабораториялари (марказлари) фаолиятини инспекция назоратидан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2015 йил 19 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1472-2 (2015 йил 23 ноябрдан кучга кирди).**

7. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2015 йил 3 ноябрдаги 591-сонли «Маҳсулотларни сертификатлаштириш органлари, синов (ўлчаш) лабораториялари (марказлари), сертификатлаштириш соҳасидаги текширув органлари, метрологик хизматлар ва сифат бўйича эксперт-аудиторларни аккредитация қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2015 йил 19 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1596-4 (2015 йил 23 ноябрдан кучга кирди).**

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2015 йил 12 ноябрдаги 5-мб-сонли «Электрон захирага олиш тизими ва фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасининг ишлаш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 18-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

**2015 йил 19 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2251-2 (2015 йил 23 ноябрдан кучга кирди).**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган Тижорат банкининг ликвидлилигини бошқаришга бўлган талаблар тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 559, 1998 йил 2 декабрь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимча (рўйхат рақами 559-1, 2013 йил 29 январь).

**Адлия вазирининг 2015 йил 13 августдаги 265-мҳ-сонли буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган Хўжалик юритувчи субъектларга бир нечта банкда ҳисобрақамлар очиш ва улардан тўловларни амалга ошириш тартиби (рўйхат рақами 864, 2000 йил 5 январь).

**Адлия вазирининг 2015 йил 17 ноябрдаги 347-мҳ-сонли буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимларига Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги хизмат сафари харажатлари учун маблағлар бериш тартиби (рўйхат рақами 932, 2000 йил 5 июнь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 932-1, 2002 йил 27 март), (рўйхат рақами 932-2, 2013 йил 23 сентябрь).

**Адлия вазирининг 2015 йил 19 ноябрдаги 348-мҳ-сонли буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон давлат стандартизация, метрология ва сертификация маркази томонидан тасдиқланган Контрактларни мустақил экспертиза қилувчи ва импорт қилинадиган товарларни жўнатишдан олдин назоратдан ўтказиб борувчи консалтинг фирмаларни аккредитация қилиш тартиби (рўйхат рақами 481, 1998 йил 25 август), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 481-1, 2001 йил 5 июль), (рўйхат рақами 481-2, 2003 йил 11 июль), (рўйхат рақами 481-3, 2007 йил 19 июнь), (рўйхат рақами 481-4, 2013 йил 6 март).

**Адлия вазирининг 2015 йил 19 ноябрдаги 350-мҳ-сонли буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

5. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг «Аккредитация қилинган сертификатлаштириш органлари ва синов лабораториялари (марказлари) фаолиятини инспекция назоратидан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1472, 2005 йил 20 апрель), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1472-1, 2007 йил 20 июнь).

**Адлия вазирининг 2015 йил 19 ноябрдаги 351-мҳ-сонли буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

6. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг «Маҳсулотларни сертификатлаштириш органлари, синов (ўлчаш) лабораториялари (марказлари), сертификатлаштириш соҳасидаги текширув органлари, метрологик хизматлар ва сифат бўйича эксперт-аудиторларни аккредитация қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1596, 2006 йил 17 июль), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1596-1, 2013 йил 8 май), (рўйхат рақами 1596-2, 2014 йил 5 сентябрь), (рўйхат рақами 1596-3, 2015 йил 27 март).

**Адлия вазирининг 2015 йил 19 ноябрдаги 352-мҳ-сонли буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

# Шифо масканининг янги қиёфаси

*Сардоба тумани тиббиёт бирлашмасининг бўлими биноси замонавий асосда таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.*

**БУНЁДКОРЛИК**

Дорихона, ошхона ва бошқа гигиеник-маиший аҳамиятга молик бўлимларида ҳам ана шундай юмушлар амалга оширилди. Ушбу мақсадларга 2 миллиард 123 миллион сўм йўналтирилди.

— Сўнгги уч йил давомида биноларимизнинг барчаси тубдан реконструкция қилинди, — дейди туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Фарҳод Холмуродов. — Хусусан, 2013 йилда жарроҳлик, терапия, тиббий тез ёрдам ҳамда кўп тармоқли поликлиникамиз, ўтган йили эса болалар бўлими ва бошқа бўлимлар янги биноларда фаолият бошлади.

Таъкидлаш жоизки, Инвестиция дастурига биноан, жорий йилда Сирдарё вилояти бўйича 8 та тиббиёт муассасасида жами 22,8 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишларини якунига етказиш режалаштирилган.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

«TOU Ko.LTD» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси
махсус қурилиш техникаларини таклиф этади.
«UNIVERSAL SERVICES of CENTRAL ASIA» хорижий корхонаси
махсус қурилиш техникалари эҳтиёт қисмларини ва сервис хизматларини таклиф этади.






Маҳсулотлар сертификатланган, хизматлар рўйхатга олинган.
Манзил: 100039, Тошкент ш., Юнусобод т., Чинобод к., 87-уй.
Савдо бўлими
Тел.: (+99871) 200-00-27/28. (+99890) 805-60-52/53.
E-mail: doosansales@uztow.com
Сервис хизмати
Тел.: (+99871) 200-00-26, (+99890) 189-71-54, 968-71-79.
E-mail: servicedoosan@uztow.com
115R/69

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«FPI DELIVERY SERVISE» МЧЖ
боғ қатор оралари, иссиқхона, томорқа ерларга ишлов беришга ҳамда хашак ўришга мўлжалланган ихчам, қулай ва камхаражатли мотокультиваторларни тавсия қилади.
Мотокультиваторлар 6, 6,5 ва 9 от кучига эга. Дизель ва бензин ёнилғисида ишлайди.



Маҳсулотлар сертификатланган.
Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 8-уй (мўлжал: Юнусобод тумани, 1-сонли нотариал идора).
Маълумот учун тел.: (+99890) 176-81-45, 968-56-77, 989-09-62, (0-371) 234-42-17.
884R/469



«Қибрай» клиник санаторийси
юрак-қон томир ва асаб тизими касалликларини даволаш бўйича мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган сиҳатгоҳдир.
Бу ерда 2 нафар профессор, олий тоифали кардиолог, невропатолог, пульмонолог ва бошқа етук мутахассислар тиббиётнинг энг илғор усуллари асосида беморларни даволайдилар.
Фин, турк, япон сауналари, бассейн ва жакузи ванналари, фитобочка, инфрақизил нур билан даволаш хонаси ишлаб турибди.
Сиҳатгоҳ фитобар, теннис корти ва яна кўплаб қулайликлар мавжуд. Яшаш хоналари кабель ТВ ва майший электр асбоблари билан жиҳозланган.
Ошхонада 5 маҳал парҳез таомларни ўз ичига олган таомнома тавсия қилинади.
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.
Манзилимиз:
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай қўрғони.
Метронинг «Буюк Ипак йўли» бекатидан 101-автобус ёки 135-йўналишли таксида «Дача» бекатигача бориш мумкин.
Тел.: (0-371) 286-01-46, 286-02-00, 286-01-97.
02R/955

Тошкент молия институти жамоаси Молиявий таҳлил кафедраси доценти Бунёджон Ҳакимовга волидаи муҳтарамаси

**ХУРСАНОЙ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Касаба уюшмаси қўмитаси Иқтисодий таҳлил ва аудит кафедраси катта ўқитувчиси Дилором Тохтахуновага волидаи муҳтарамаси

**КЛАРА аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1167. 73 041 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 22.20 1 2 3 4 5